Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 2 No. 1 (2025) · “Raqamli iqtisodiyot sharoitida hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini ta’minl...

3. *Исломов А*. Эгамов Э. “Иқтисодий таълимотлар тарихи” Ўзбекистон нашриёти, 2003 й.
4. Ильясов Б. С., Муллагулов М. Г. Гарнати // Башкирская энциклопедия / гл. ред. М. А. Ильгамов. — Уфа : ГАУН РБ «Башкирская энциклопедия», 2015—2024. — ISBN 978-5-88185-306-8.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕАЛ СЕКТОР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

Анваров Нозимжон Махсудбек ўғли
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
таянч докторант
anvarovnozim40@gmail.com
Tel:+99897-988-22-77
*ORCID:*0009-0006-5205-6913

Ҳозирги вақтда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни тижорат банклари фаолиятисиз, уларнинг молиявий кўмагисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида тижорат банклари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида банк кредитлари сифатини ошириш, кредит рискларини камайтириш, мижозларнинг кредит қобилиятини объектив баҳолаш усуллари ҳамда скоринг механизмларини мукаммаллаштириш, кредитлаш амалиётини банк учун энг мақбул бўлган даромадлилик стратегиясига айлантириш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва кредитлаш салоҳиятини ошириш бўйича илғор инновацион банк хизматлари ва маҳсулотларини жорий этиш сингари тадқиқот йўналишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Тижорат банклари иқтисодиётда, хусусан реал секторнинг қўллаб-қувватланишида аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Йирик корхоналар фаолиятидан тортиб, кундалик турмушимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини кўришимиз мумкин. Шу боис ҳам, банклар иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланиши чуқур маъно-мазмун касб этади. Мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётда молиявий ташкилотлар ва хўжалик юритувчи субъектлари фаолияти учун қулай иқтисодий шарт-шароитларнинг яратилиши мамлакат банк тизими барқарорлигининг ошишига имкон яратди. Банк хизматлари бозоридаги рақобатлашув жараённинг кучайиши натижасида

Published: 24.05.2025
Cite this article: Анваров Нозимжон Махсудбек ўғли (2025). Тижорат банкларининг реал сектор молиявий барқарорлигини оширишдаги роли. Emro Science and Education, 2(1). https://journal.emro.uz/public/maqola/365
© 2025 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар ҳажми кенгайиб бормоқда. Мазкур жараёнининг жадаллашуви банк операцияларини амалга ошириш тартибларининг соддалаштирилганлиги, иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган корхоналарни қўллаб-қувватлашда молиявий ташкилотлар ролини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг фаол тарзда амалга оширилаётганлиги билан изоҳланади. Мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда инкор этиб бўлмайди. Шу боисдан, ҳозирги 139 кунда республикамиз иқтисодиётида реал сектор корхоналари фаолиятини молиялаштириш, уларни фаолиятига тижорат банклари кредитларни, хусусан, хорижий молия институтлари маблағларини кенгроқ жалб этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Маълумки, иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган ҳар қандай корхона ўз молиявий ресурслари ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга ҳар доим ҳам имкон топа олмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда, тижорат банклари кредитлари реал сектор корхоналари фаолиятини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлиб майдонга чиқади. Тижорат банкларининг кредитлари ҳар бир мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайдиган молиялаштириш манбаси ҳисобланади. Банк кредитлари ёрдамида иқтисодиётнинг реал сектор корхоналари фаолиятини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш билан боғлиқ бўлган инвестицион харажатларнинг молиялаштирилиши муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки иқтисодиётимизни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, унинг рақобатдошлигини кескин ошириш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, инновацион ва энергияни тежайдиган технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, жаҳон бозорида талаб мавжуд бўлган янги турдаги товарлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва шу орқали мамлакатимизнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда банк тизими томонидан олиб борилаётган инвестицион сиёсат ўз самарасини бермоқда. Тадбиркорлик субъектларининг барча молиявий муносабатларини пул оқимлари таркиби бўйича ифодалаш

Тадбиркорлик фаолияти меъёрида фаолият юритиши учун соф пул оқими нолга тенг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу, корхона томонидан ҳисобот даврида ишлаб топилган пул маблағлари харажат манбалари бўйича самарали тақсимланганлигидан далолат беради. Соф пул оқими муайян фаолият тури ёки барча фаолият турлари бўйича ижобий ва салбий пул оқимлари ўртасидаги тафовутни акс эттиради. Пул маблағлари минимал зарурий

захирасининг мавжуд эмаслиги молиявий қийинчиликлардан дарак беради. Пул маблағларининг ортиқчалиги эса, корхона зарар кўраётганлигини билдиради.

Тадбиркорлик субъектлари барқарорлигининг яна бир муҳим кўрсаткичи ҳамда вақт бўйича ижобий ва салбий оқимлар даражаси ҳисобланади. Бу, айниқса, Тадбиркорлик субъектлари учун муҳим, чунки уларда йирик корхоналар каби молиявий ресурс ва маблағлар захиралари мавжуд эмас. Уларнинг моҳияти келажакдаги молиявий даврнинг ҳар бир оралиғида корхоналар тўлов қобилиятининг етарли даражасини бир вақтнинг ўзида таъминлашдан иборат. Соф пул оқимини максимал даражада ошириш ўз-ўзини молиялаштириш тамойили асосида Тадбиркорликнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини оширишни таъминлайди, ташқи молиялаштириш манбаларига қарамликни камайтиради ва унинг бозордаги рентабеллигини оширади.

Молиявий бошқарувни самарали ташкил этишга тўғри ёндашув муҳим аҳамиятга эга бўлган кичик бизнесда молиявий фаолият одатда мулкдорнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Бу корхонага пулни тежаш, қўшимча даромад олиш ва тўлов қобилиятини сақлаб қолиш имконини беради.

Кичик бизнес субъектларини молиявий бошқариш усулларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– сотилган маҳсулот ёки хизматлар учун маблағларни олиш;

– корхонанинг жорий фаолияти билан боғлиқ барча турдаги харажатларни пул маблағлари билан таъминлаш (етказиб берувчилар, ходимлар, ижарачилар ва бошқалар билан ҳисоб-китоблар);

– молия институтлари билан ўзаро манфаатли шартларда ҳамкорлик қилиш (банклар, суғурта компаниялари ва бошқалар);

– давлат ва маҳаллий ҳокимият олдидаги молиявий мажбуриятларни бажариш (солиқлар ва йиғимларни тўлаш);

– кичик бизнес субъектларининг молиявий барқарорлиги ва тўлов қобилиятини сақлаш. Ушбу вазифаларни самарали тарзда амалга ошириш бўйича фаолият режалаштириш, молиявий назорат ва молиявий ҳолат таҳлилига бевосита боғлиқ бўлади.

Молиявий режалаштиришнинг асосий жиҳати молиявий барқарорликни таъминлаш учун энг мақбул ва фойдали молиявий режани тузишдан иборат бўлади. Молиявий режа - ишлаб чиқариш, молиявий ва инвестиция фаолиятининг келажакдаги самарадорлиги ва натижаларини башорат қилишга асосланган режа сифатида ифодаланади. У кичик корхона фаолияти натижалари бўйича товар-моддий захиралар, молиявий оқимлар тўғрисида тасаввур

берадиган кўрсаткичларни акс эттиради.

Тижорат банклари иқтисодиётда, хусусан реал секторнинг қўллаб-қувватланишида аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Йирик корхоналар фаолиятидан тортиб, кундалик турмушимизнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини кўришимиз мумкин. Шу боис ҳам, банклар иқтисодиётнинг қон томирига қиёсланиши чуқур маъно-мазмун касб этади.

Умуман олганда, кредит бозорида кредит фоизлари миқдори асосий ставка, пул ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати, инфляция ва инфляцион кутилмалар, кредит хизматлари бозорида банк рақобати, депозитлар бўйича мижозларга тўланадиган фоизлар, банк таваккалчилигини камайтириш мақсадида фоиз ставкаларини бошқариш, кредит ресурслари структураси ва бошқа бир нечта макро ва микроиқтисодий омилларга боғлиқдир. Яна бир муҳим масала, соғлом рақобатни шакллантириш ва ажратилаётган кредитларнинг рисклилик даражасини камайтириш учун пировардида молиявий маблағларнинг узлуксиз айланишини таъминлайда. Бунда тижорат банкларинг фаолиятининг мустақиллигини ҳукумат даражасида таъминлаш, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 8-моддасида келтирилган “Банклар молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда мустақилдир” деб киритилган талаб ижросини тўлиқ таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 68.

2. Савинова Д. В. О формировании механизма привлечения кредитных ресурсов в малый бизнес // Деньги и Кредит.- Москва, 2009. - № 5. – С. 60-61.

3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 590-591.

4. Шумпетер Й. Основы предпринимательства. Пер. с нем. – М.:Дело, 1974. – С. 132.

5. http:www.stat.uz –. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги статистика агентлиги

6. Абдужабборова М. Пул оқимлари тахлили. Иқтисодий тараққиёт ва тахлил. Илмий электрон журнал. 2023-йил август. www.e-itt.uz.